

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Исаков Ж.А.

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, “Архитектура ва қурилиш”
кафедраси в.б. профессори

Орифжонов Аббосбек

Андижон шаҳар Баркамол авлод болалар мактаби тўғарак раҳбари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11487091>

Таянч сўзлар: инновацион технологиялар, тасвирий санъат, ташкил этиш, мустақил тафаккур, шакллантириш, ўқувчилар.

Ключевые слова: инновационные технологии, изобразительное искусство, организация, независимое мышление, формирование, учащихся.

Key words: innovative technology, visual arts, organization, independent thinking, shaping, learners.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, тадбиқ этилаётган янгиликлар, таълим-тарбия борасида яратилаётган шарт-шароитлар, халқимизнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларининг яхшиланиши, умуман олганда эришилган моддий ва маънавий салоҳият эркинлиги мамлакат мустақиллигининг тухфаси бўлиб, эркин меҳнат қилиш ва яшаш, мустақил фикрлаш, эътиқод ва сўз эркинлиги, диний бағрикенглик, умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одатларнинг, ҳурмат қилиниши ҳамда кадрланиши, кучли ижтимоий ҳимоя ҳамда буларнинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши ёшларни мустақил ишлаш, унинг мазмун-моҳияти ва заруратини объектив баҳолашга ўргатиш йўналишида ўзига хос вазифалар юклайди.

Булар ўз навбатида таълим муассасаларида ташкил этиладиган тасвирий санъат машғулоти жараёнида мустақил тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш, кўпроқ эркин ва мустақил фикрлашга ҳамда ижод қилишга ўргатиш, уларнинг субъективлигини тасвирий санъат орқали ошириш, мустақил таълим ва мустақил иш бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, мустақил олган маълумотларини ўрганиш асосида уларнинг илмийлиги, янгилиги ва ишончлилигини таҳлил қилиш, энг янги ва ишончли ахборотлар, тасвирий санъатга тегишли бўлган янги адабиётлар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда ахборотлар алмашинувига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини белгилайди.

Ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантириш йўналишидаги тасвирий санъат жараёнларини ташкил этишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

-- тасвирий санъат машғулоти жараёнининг самарадорлигини таъминлашда ўқувчилар фаоллиги ва мустақил фаолиятининг аҳамияти, мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида тафаккурнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатларнинг мавжудлиги;

-- тасвирий санъат машғулотида педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги;

-- тасвирий санъат ўқув жараёнларида шахсга йўналтирилган таъсирни ўзига хос аҳамияти ва зарурияти;

-- мотивлаштиришнинг самарадорлиги, тасвирий санъат ўқув жараёнларининг натижавийлигини ифодалаши;

-- тасвирий санъат ўқув жараёнлари самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлиги;

-- мотивлаштириш жараёнида ахборотларнинг аҳамияти.

Тасвирий санъат машғулотларида ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантиришда натижавийликни таъминлаш учун уларнинг тасвирий санъат бўйича:

-- бошланғич тушунчалари, тасавури, фикридаги қатиятликнинг аҳамияти ва заруратига илмий ёндашиш;

-- таълим-тарбия жараёни ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларида мотивларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

-- ўқувчиларда бадиий таълим олишга бўлган ижодий мотивларни шакллантириш;

-- тасвирий санъат машғулотларида ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантириш учун зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий муҳитни вужудга келтириш;

-- тасвирий санъат машғулотларида педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алақадорлигини таъминлаш;

-- ўқувчиларда мустақил тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб тасвирий санъат тизими сифатида ёндашиш;

-- тасвирий санъат ўқув жараёнларида ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини шакллантирувчи рефлексив ёндашувни жорий этиш;

-- тасвирий санъат ўқув жараёнларида шахсга йўналтирилган таъсирнинг аҳамиятини ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш каби шартларнинг бажарилишини таъминлаш зарур.

Юқорида келтирилган омиллар ўқувчиларини тасвирий санъат машғулотларида мустақил тафаккурини шакллантиришда зарурий манбани ифодалайди ва уларнинг тасвирий санъат фанига бўлган қизиқишларини орттиради.

Тасвирий санъат машғулотларида ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантиришда қуйидагиларни амалга ошириш лозим: санъатнинг моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш; машхур тасвирий санъат намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди юзасидан суҳбатлар ўтказиш, электрон дарсликларни намоиш этиш, виртуаль альбомлар тайёрлаш; ўқувчиларнинг мустақил бажарган ишларининг кўргазмасини ташкил этиш; қизиқарли бўлган тасвирий санъат асарларини таҳлил этиш, суҳбат ва мунозаралар ўтказиш; муваффақиятга эришган ўқувчиларнинг ижодий ишларини туман, шаҳар ва вилоят кўргазмаларига тавсия этиш; тасвирий санъат машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш (кластер, бумеранг ва бошқалар); ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантиришда маълум миқдорда мустақил иш бериш лозимдир, чунки бундай ишлар ўқувчиларда кўпроқ тоғ манзараси, натюрморт, ҳар хил композиция, қуш ва ҳайвонлар, спорт мавзулари, афсонавий мавзулар ҳам катта қизиқиш уйғотади ҳамда машхур тасвирий санъат усталари билан суҳбатлар ўтказиш.

Ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантириш учун қизиқарли ва сермазмун мавзулар танланса, уларнинг тасвирий санъатга бўлган мустақил тафаккурининг шаклланиши янада ортади. Шу соҳада ўтказилган тадқиқотлар ва умум-таълим мактабларда олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатадики, ўқувчилар мустақил қизиқарли мавзулар асосида тасвирлар ишлаганларида уларнинг ишлари мазмунлироқ ва самаралироқ бўлишининг гувоҳи бўламиз. Маълумки, ўқувчилар мустақил ўз тасвирий фаолиятларида ҳаққоний, мазмунли тасвирлар, афсонавий мавзудаги асарларни тасвирлашда яхши натижалар беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тасвирий санъат машғулотларида ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини шакллантириш йўналишида ташкил этиладиган тасвирий санъат ўқув жараёнларида қўлланиладиган методлар ва ижодий ёндашувларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўзлаштириши зарур бўлган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига, таълим-тарбия жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларга, ўқувчиларнинг тасвирий санъатдан бошланғич тушунчаларига, дунёқараши ва имкониятларига мос келувчи метод ва ёндашувларни танлаш ва улардан оқилона фойдаланиш зарур.

References:

1. Исаков Ж. А. НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ НАГЛЯДНОСТИ В ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТОВ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – С. 71.
2. Исаков Ж. А. Роль профессионализма и мастерства педагога в решении педагогических задач в процессе обучения изобразительному искусству //Актуальные вопросы современной науки. – 2013. – С. 86-89.
3. Исаков Ж. А., Юрданидзе М. Х. Применение инновационных технологий на уроках черчения //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 23-2 (77). – С. 21-24.
4. Чориев Р. К., Исаков Ж. А., Мухаммадиев К. С. Об информационном обеспечении повышения квалификации педагогических кадров в системе общеобразовательных школ //Психология и педагогика: методика и проблемы практического применения. – 2014. – №. 38. – С. 66-69.
5. Исаков Ж. А. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ //Научный Фокус. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 722-726.
6. Исаков Ж. А., Мамиталиев А. Г., Уринбоев И. К. ТАСВИРИЙ САНЪАТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 601-605.
7. Исаков Ж. ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО УЧИТЕЛЕЙ ТОЧНЫХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ С УЧИТЕЛЕМ ЧЕРЧЕНИЯ //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 519-522.
8. Shakirova C. T., Isakov J. A., Orifjonov A. B. The importance of learning miniature painting in fine arts classes //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 1. – С. 334-337.

9. Isakov J., Yulbarsov F. KO'RGAZMALI KO'RSATMALAR ORQALI O'QUVCHILARNING FAZOVIIY TASAVVURLARINI YANADA SHAKILLANTIRISH //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 21. – С. 81-85.
10. Isakov J., Yulbarsov F. ARCHITECTONICS OF THE INFORMATION AGE: NAVIGATING THE EVOLVING LANDSCAPE OF SCIENCE //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 28. – С. 72-74.
11. Isakov J. A. CHIZMA GEOMETRIYA VA PERSPEKTIVA FANI VOSITASIDA TALABALARNING KONSTRUKTIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH: CHIZMA GEOMETRIYA VA PERSPEKTIVA FANI VOSITASIDA TALABALARNING KONSTRUKTIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH. – 2023.

